

ТДИУ профессори -
Алимарданов М.И.,
Ахмедов Х.И.-Молия вазирлиги
“Ғазначилик бошқармаси” ходими
Солиқ академияси магистранти
Жўраев Б.Э.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАДБИҚ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Мамлакатимизнинг барча соҳалари каби солиқ тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Шунингдек солиқ имтиёзларини жорий қилишдан мақсад, уларни қўлланилиши ҳамда солиқ имтиёзларнинг амалий таҳлили ҳамда самарадорлиги ушбу мақолада тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: юридик ва жисмоний шахслар, хорижий инвестиция, солиқ имтиёзлари, иқтисодий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя, преференция, солиқ ставкаси, қулай ишбилармонлик муҳити, самарадорлик.

В статье были исследованы сущность налоговых льгот, анализ их применения и пути совершенствования в развитии предпринимательской деятельности в Узбекистане.

Ключевые слова: юридические и физические лица, иностранные инвестиции, налоговые стимулы, в целях поощрения экономических и социальных прав, предпочтения, налоговая ставка, благоприятной бизнес-среды, эффективность.

This article were investigated tax benefits, an analysis of their use and the ways of improvement in businnes development in Uzbekistan.

Key words: tax, tax incentives, to promote economic and social rights, preferences, tax rate, favorable business environment, the taxpayer, the tax base, legal entities and individuals, foreign investment, and efficiency.

Макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлашда ва эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, шунингдек, миллий валютамиз, ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш улкан аҳамиятга эга ҳисобланмоқда. Муҳим ислоҳотлардан бири солиқ ва бюджет тизимини такомиллаштириш орқали тармоқ ва минтақаларнинг мутаносиб ривожланириши, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишни таъминлайдиган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллий бюджетлар имкониятларининг оширилиши, аввало, аҳолининг реал даромадларини оширишга қаратилган. Бундан ташқари, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда мамлакатимизда солиқ имтиёзларини белгилаш асосида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, чет эл инвестициялари кириб келишини

таъминлаш, ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш каби устувор вазифалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ҳурматли биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг муҳим таъкидлашларидан бирига тўхталадиган бўлсак, “Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалаган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиб, солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим”. [1] Иқтисодий ислохотлар даврида солиқ тизимини такомиллаштириб боришда, хорижий мамлакатларда солиқ ставкаларининг қўлланиш механизмидан фойдаланиш, солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушушини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан кейинги йилларда солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ юкни камайтириш, қўшимча имтиёз ва преференсиялар бериш, айрим йўналишлар бўйича солиқ солиш тизимларини такомиллаштириш бўйича қатор меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида амалга оширилган ишлар, солиқ юкни камайтириш ва берилган бошқа имтиёзлар иқтисодиётнинг ривожланишига, тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳамда улар сонининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 27 та моддасининг 204 та бандида доимий тусдаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 200 тадан ортиқ фармон ва қарорлари билан муайян муддатга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар тақдим этиб келинмоқда.

Таъкидлаш керакки, тақдим этилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳисобига тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрида ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 6-8 фоизи ҳажмидаги маблағ қолмоқда. Яна ҳам аниқроқ айтганда, 2015 йилда фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг ҳар 5 тасидан биттаси солиқ имтиёзларидан фойдаланди.

Ушбу имтиёзлар эвазига тежалган маблағлар республикамиз ишлаб чиқарувчилари учун ўзининг молиявий ресурсларини ошириш, инвестицияларни кўпайтириш, корхона айланма маблағларини тўлдириш, иш ҳақи миқдорини оширишда қўшимча манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ, ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-417-сонли Қонуни билан Солиқ кодексига ўзгартириш киритилиб, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича

берилган имтиёзлар муносабати билан бўшаган ҳамда ушбу имтиёзларнинг амал қилиш муддати ичида фойдаланилмаган маблағларнинг суммаси имтиёзлар берилаётган чоғда белгиланган мақсадларга мазкур имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин бир йил мобайнида йўналтирилиши мумкин. Бунда кўрсатилган муддатда фойдаланилмаган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, 2015 йилдан бошлаб «Солиқ тўловчининг шахсий кабинети» орқали солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тизими амалиётга жорий этилди. Ушбу тизимнинг афзаллиги шундан иборатки, мазкур тизим орқали солиқларни тўлаш осон ва қулай бўлиб, эндиликда тўлов топшириқномаси қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотномани давлат солиқ инспекциясига олиб келиб кўрсатишга эҳтиёж қолмади.

Республикаимиз солиқ сиёсатида амалга оширилаётган бу каби ўзгаришлар, янгиликлар кўп. Солиқ қонунчилигига киритилаётган мана шундай ўзгариш ва янгиликлардан аҳолини, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллариини ўз вақтида хабардор қилиб бориш, уларнинг солиққа оид ҳуқуқий билими ва маданияти даражасини янада юксалтириш мақсадида давлат солиқ органлари томонидан жойларда бевосита семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этиш орқали ҳар ойда ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга ошириб борилмоқда

Мамлакатимизда бугунги кунда солиқ тўловчиларга барча солиқ турлари бўйича кенг имтиёзлар берилмоқда. Натижада солиқ имтиёзлари ва ундаги солиқлар турлари бўйича салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар жами имтиёзлар суммасининг 80 фоизини, 2015 йилда 72,4 фоизини ташкил этган.(1-жадвал) Фойда солиғи бўйича бу кўрсаткич 2011 йилда 5 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 5,2 фоизни ташкил этган ёки 0,2 фоизли пунктга ўсган. Ягона солиқ тўлови бўйича 2011 йилда 3 фоизни, 2015 йилда 4 фоизни ташкил этган ёки 1 фоизли пунктга ўсган. Шунингдек, бошқа турдаги солиқлар ва мақсадли жамғармалар бўйича 6,4 фоизли пунктга ўсган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида жами солиқ имтиёзларига нисбатан йиллар бўйича улуши* (фоизда)

| Йиллар/Солиқ турлари | Солиқ имтиёзлари ЖАМИ | Қўшилган қиймат солиғи | Фойда солиғи | Ягона солиқ тўлови | Бошқа солиқлар ва мақсадли жамғармалар |
|----------------------|-----------------------|------------------------|--------------|--------------------|--|
| 2011 йил | 100 | 80 | 5 | 3 | 12 |
| 2012 йил | 100 | 77,8 | 5,1 | 3,6 | 13,5 |
| 2013 йил | 100 | 84 | 5 | 4 | 7 |
| 2014 йил | 100 | 81 | 6,8 | 3,8 | 8,4 |
| 2015 йил | 100 | 72,4 | 5,2 | 4 | 18,4 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

Натижада уларнинг ихтиёрида қолдирилган маблағлар ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги техника ва технологияларини ўрнатиш, ривожлантириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган юридик шахсларга нисбатан солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган юридик шахслар улуши (2-расм)ни таҳлил қиладиган бўлсак, 2011 йилда бу кўрсаткич 13,9 фоизни ташкил қилган бўлса 2014 йилда 22,3 фоизни ташкил қилган. 2015 йилда 17,6 фоизни ташкил қилиб 2014 йилга нисбатан 4,7 пунктга камайиш кузатилган бу имтиёздан самарали фойдаланмаётган ёки маълум бир мақсадга эришилиши кутилиб самарасини берган имтиёзларни бекор қилиниши билан изоҳлаш мумкин.



2-расм Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга нисбатан солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган юридик шахслар улуши динамикаси (фоизда) [4]

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият юритишлари учун етарли шароит яратиш бериш билан бирга улар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёз бериш орқали улар фаолиятларини рағбатлантириш ҳисобланади. Аммо, мамлакат ривожини ва корхоналар фаолиятининг ҳам яхши давом этиши учун берилаётган имтиёз самарали бўлиши ҳамда корхона ушбу имтиёзга доимий таяниб қолмаслиги лозим.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Фақат шундай имтиёз ва преференцияларга таяниб қолган корхоналар очик иқтисодиёт шароитида хорижий компаниялар билан нафақат ташқи, балки ички бозорда ҳам рақобатлаша олмайди.”[5] Бу худди ота-она қарамоғида яшаб мустақил ҳаётга қадам қўйганда қийналиб қолиши мумкин бўлган фарзандга ўхшайди. Шу боис, корхоналарга берилаётган солиқ имтиёзларидан оқилона фойдаланмаслик бўшаётган маблағлардан тўғри фойдаланишни билмаслик ва корхоналар томонидан олинаётган солиқ имтиёзлари салбий оқибатларга, яъни:

– солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар берилаётган чоғида кўзда тутилган мақсадларга тўлиқ эришмаслиги;

– солиқ имтиёзларига эга бўлган корхоналар ривожланишга бўлган интилишини йўқотадилар ва ўзларининг имтиёзли мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар, имтиёзлар бекор қилинганда эса улар фаолият юритишдан тўхтайдилар;

– солиқ имтиёзлари техник тараққиёт жараёнини секинлаштириб коррусияга имкон яратиши мумкин;

– бир вақтлар берилган солиқ имтиёзларини амалда бекор қилиш жуда кўп қийинчиликларни келтириб чиқариши каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин.

Шундай экан солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўлларини излаб топиш, уларни керакли ўринларда, зарур ҳолатларда қўллаш ҳозирги давр солиқ маъмурчилигининг олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари солиқлар ва солиққа тортиш тўғрисидаги назарий таълимотлардан бизга маълумки: “Солиқ юкининг ошиб кетиши бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келмайди. Чунки, солиқлардан шаклланаётган даромадлар ҳажмининг кўпайиши ҳар доим солиққа тортиладиган базанинг ўсиши билан пропорционал бўлади, аммо ҳар доим ҳам солиқ ставкасининг ўсишига пропорционал бўлавермайди”[6].

Демак, солиқ ставкасининг ошиши маълум бир чегаравий нуқтага етгач, бюджетга тушадиган солиқ тушумлари ҳаттоки камайиши ҳам мумкин экан.

Демак, солиқ ставкаларининг ўсиши фақат маълум бир чегарага етгунга қадар давлат бюджети даромадларининг кўпайишига олиб келиши мумкин. Бу чегара миллий ишлаб чиқаришнинг солиққа тортиладиган қисмини қисқариши билан бошланади. Агар ана шу чегарадан ўтилса, солиқ ставкасининг ўсиши бюджет даромадларининг ўсишига эмас, балки қисқаришига олиб келади. Солиқ юки кўтарилгани сари хўжалик субъектлари ўз даромадларини ҳимоя қилиш йўлига ўтишади ва натижада хуфёна иктисодиётнинг ривожланишига, солиқ қонунчилигини бузилишига мойиллик кўпаяди. Хўжалик субъектлари томонидан эришилган имтиёзлар, шубҳасизки бюджет даромадлари учун тўғридан-тўғри йўқотишдир. Баъзи корхоналар иккиламчи бухгалтерия ҳисобини юритиб, солиқдан қочишга уринишлари ҳам мана шундан деб ўйлаш мумкин. Бизнингча, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида солиқ муносабатларида унинг иштирок этувчи субъектларининг манфаатлари ҳисобга олиниши шарт, яъни солиқларнинг рағбатлантирувчи омилларидан устувор фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Солиқ имтиёзлари ва преференцияларни такомиллаштириш масалалари юзасидан мавжуд солиқ имтиёзларининг самарасизларини бекор қилиш ўрнига, янги кўпроқ самара берадиган солиқ имтиёзларини жорий этиш, жорий этилган имтиёзлар эвазига хўжалик субъектлари ихтиёрларида қолаётган маблағларни қайта ишлаб чиқариш жараёнларига сафарбар этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида янги техника-технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш, хўжалик субъектлари

ихтиёрида имтиёз ҳисобидан қолдирилган пул маблағларидан самарали фойдаланиш жараёнини назорат қилишни янада кучайтириш, солиқ имтиёзларига доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мувофиқлигини таъминлаш кабилар бугунги кунда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан ҳисобланади.

Иزلанишлар ва таҳлиллар натижасида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни такомиллаштириш масалалари бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш тартибини масофадан назорат қилиш мақсадида солиқ тўловчилар ҳар бир фойдаланган солиқ имтиёзи тўғрисида солиқ турлари кесимида, уларни нима мақсадда сарфлаётганликлари тўғрисида алоҳида ҳисобот шакллантириб, ҳар чоракда ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилишини мажбурий қилиб қўйиш. Амалда йил якунлари бўйича молиявий натижаларни топшириш вақтида маълумотномани қўшиб тақдим этишлари белгиланган. Чунки ҳеч кимга сир эмаски, қанчалик назорат кучли бўлса, ишга бўлган муносабат ҳам шунчалик масъулиятли бўлади. Натижада текширишлардаги қоида бузиш ҳолларидан бири бўлмиш имтиёзлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолларига оз бўлсада чек қўйилади;

- янги ташкил этилган корхоналарга нисбатан улар давлат рўйхатидан ўтган кундан эътиборан муайян муддатга солиқ имтиёзларини жорий этиш. Шунингдек жорий этилган солиқ имтиёзлари дастлабки 2 йилликни ўз ичига камраб олиши ва кейинги йилларда узайтирилмасилиги лозим, лекин маълум бир муддат фаолият юритиш шарти билан масалан 5 йилдан кам бўлмаган муддатда фаолият юритишини талаб қилган ҳолда қўлланилиши акс ҳолда фойдаланилган имтиёз суммаси тўлиқлигича бюджетга ундириб олиниши назарда тутилмоғи лозим. Ушбу тартибни асосан кичик бизнес субъектларига нисбатан жорий этиш корхоналарнинг барқарор фаолият юритган ҳолда бозор иқтисодиёти қонунларига мослашиши ва оёққа туриб олиши, сўнг бошқа турдаги корхоналар билан бемалол рақобатлаша олиши учун қулай замин яратади;

- солиқ кодексининг 282-моддасига асосан ер солиғи тўлашдан озод қилинганлар-ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилишига доир бандни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳозирги кунда талаб этилмаган имтиёз мазкур ташкилотлар мулкида бўлган юридик шахсларнинг аксарияти ягона солиқ тўлови тўловчиси ҳисобланишади. Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз сақлаб қолинмоқда;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-433 сонли қарорини амалга оширишда қўлланилган чора тадбирларни электрон тижорат тизимини янада ривожлантириш мақсадида ҳам қўллаган ҳолда интернет бозорлари орқали товарларни сотганда сотув ҳажмидан амалдаги ставкага нисбатан 10 фоиз пасайтирилган ставка бўйича фойда солиғи ёки ягона солиқ тўловини тўлаш тизимини амалиётга жорий этиш;

- мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш мақсадида Республикамизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминот воситаларини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар миқдорига юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базанинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтиришга рухсат бериш;

- ҳозирги кунда ҳукуватимиз томонидан тақдим этилган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори[7] асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қуйидаги шартлар асосида имтиёз тақдим этишлари мумкин;

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни қуйидаги тартиб асосида белгилаб берилади:

1. Тегишли ҳудуднинг бюджети юқори турувчи бюджетдан дотация олмаганда ва солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тегишли бюджетнинг дотация олишига сабаб бўлмаганда;

2. Тегишли ҳудуднинг маҳаллий бюджети харажатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуватининг алоҳида қарорларида назарда тутилган тадбирлар молиялаштирилиши тўлиқ таъминланганда;

3. Муайян солиқ бўйича имтиёзлар бериш натижасида тегишли бюджетга тушум тушмаслиги мумкин бўлган даромадлар (йўқотишлар) суммаси бошқа манбалар бўйича қўшимча тушумлар ҳисобига қопланганда;

4. Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар берилган объектлар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган ер участкалари майдони доирасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганда;

5. Солиқ тўловчида бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаганда.

Фикримизча, шу ўринда келтирилган шартларни енгиллаштириш мақсадида қуйидаги шартларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

– тегишли ҳудуднинг маҳаллий бюджети харажатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуватининг алоҳида қарорларида назарда тутилган тадбирлар молиялаштирилиши тўлиқ таъминланганда;

– муайян солиқ бўйича имтиёзлар бериш натижасида тегишли бюджетга тушум тушмаслиги мумкин бўлган даромадлар (йўқотишлар) суммаси бошқа манбалар бўйича қўшимча тушумлар ҳисобига қопланганда;

– солиқ тўловчида бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаганда.

Чунки тегишли ҳудуднинг бюджети юқори турувчи бюджетдан дотация олмаса ва солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тегишли бюджетнинг дотация олишига сабаб бўлмаса ҳамда мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар берилган объектлар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган ер участкалари майдони доирасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлса қолган шартларнинг ҳам ўрнини қоплаши мумкин. Бундай тавсияни ишлаб чиқишимизга сабаб, бугунги кунда Республикаимизда фақатгина 4 та корхона ушбу солиқ имтиёзидан фойдаланиб келмоқда;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”,-Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2005 йил 89-Б

2. А. Ваҳобов. А. Жўраев. “Солиқлар ва солиққа тортиш” дарслик Т.: -2009 й. 68 б.

3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. 8-бет..

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар йилги ахборотнома маълумотлари.

5. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2014 йил, 18 январ, 13-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 октябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 281-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон Фармони